O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**Ислом КАРИМОВ:**

МУСТАҚИЛЛИК БИЗНИ МУСТАБИД ВА МАФКУРАЛАШГАН ТУЗУМ КИШАНЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛДИ, ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ЎЗ ЮРТИДА БОШИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ ЮРИШ, ЎЗ МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ДИНИ ВА ЭЪТИҚОДИНИ, ОНА ТИЛИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ.

*Шу азиз Ватан — барчамизники*

# Oʻzbekiston ovozi

OʻZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ 2000 ЙИЛ 20 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА № 82 (26.632)

ХДП ХАБАРИ

## ДЕМОКРАТИЯ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

*Мамлакатимиз учун ўта долзарб ушбу мавзу Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» клубининг 2000 йил 19 июль куни бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди. Клуб аъзолари — партия Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов, МК масъул ходими М. Ельшов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Н. Шакаров, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари партия кенгашларининг биринчи котиблари М. Ёқубов, Ҳ. Бобохонов, У. Шойимқулов, Янгийўл шаҳар партия кенгаши иккинчи котиби С. Абдуллаева ва бошқалар муаммонинг назарий жиҳатларигагина эмас, балки мустақил Ўзбекистонда демократиялашув жараёнларининг ривожи ва чуқурлашуви, мамлакатда кўппартиялилик тизимининг шаклланиши ҳамда унда Халқ демократик партиясининг ўрни тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдилар.*

*Мунозара давомида 1999 ва 2000 йилларда ўтказилган сайловлардан кейин мамлакатда қарор топган янги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг хусусиятлари ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бугунги ҳолати каби масалаларга эътибор катта бўлди. Шунингдек, ҳозирги шароитда партия ташкилотларининг ХДП дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан жорий ва истиқболдаги вазифалари ҳақида сўз юритилди.*

*Мунозара иштирокчилари якдиллик билан, амалий ишлар орқали миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик islоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни асраб қолишга муносиб ҳисса қўшиш, пировард натижада, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятдаги нуфузини ошириш, таъсирини кучайтириш учун Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари ва матбуот нашрлари, унинг ихтиёридаги барча имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват этдилар.*

*Йиғилиш қатнашчиларининг фикрича, бундай тадбирларнинг клуб аъзоларида сиёсий кураш кўникмаларини ҳосил қилишга ҳамда партия ташкилотларининг фаоллашувига ёрдам бериши шубҳасиз.*

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР



**Мамадали ЭШНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси магистри:**

## ҲАЁТИМНИНГ УНУТИЛМАС КУНИ

— Ёшим ўттиз учда. Очиғи, иш фаолиятим, ҳаёт билан юзма-юз келиб ўз ўрнимни топишим мустақиллик йилларига тўғри келди. 1993 йилда Тошкент Техника университетини тамомладим. Ўша пайтларданоқ мамлакатимиз раҳбарининг ҳур фикрлаш, эркин қарашларни шакллантириш, миллий ғурурни кучайтириш учун барча ўзбекистонликларга собитлик ва матонат тилаб, халқни ўз ортидан эргаштиришлари биз ёшларнинг ҳам қалбимизда ишонч алангасини ёқди.

Очиғи, озодликнинг асл моҳияти нимада, умуман, озодлик нима, деб сўрасангиз, рўпарангизда анграйиб турувчилар топиладиган ўша кезларда, мамлакатни иқтисодий таназзул чангалидан асраб қолиш, шу билан бирга замондошларимиз онгида ўзгариш ясаш осон эмасди.

Мен қишлоқда ўсдим. Қишлоқ шароитини, одамларнинг кайфиятини яхши тушунаман. Болалигимда катта ўқишларда таҳсил олишни ҳавас қилардим. Ниятимга етдим. Ҳаётимнинг энг унутилмас чоғи — бу менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига ўқишга киришим бўлди. Бу даврда иқтисодий-сиёсий билимлардан сабоқ олдим. Давлатимиз истиқлолга эришганига кўп бўлмаса-да, лекин бизни дунё тан олиши, қизиқишини, шу илм даргоҳига хорижий давлатларнинг етук сиёсатчилари келиб маъруза ўқиши, бу ерда жаҳоний талабларга мос, керак бўлса, ундан-да зиёда шарт-шароитлар мавжудлигидан қувонмоқ керак.

Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг одиллигини қарангки, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш билан биргаликда маънавиятга, маърифатга ҳам катта эътибор қаратди. Айниқса, ёш кадрларни тарбиялаш, тарбиялаганда ҳам дунё сиёсати ва билимларини мукаммал эгаллаб, давр руҳини англаб камол топиши учун тўлиқ шарт-шароит яратди.

Академиядаги баҳслар, мулоҳазалар, курсдошлар билан назарий билимлар юзасидан тортишувлар, амалий машғулотлар барча-барчаси бизга қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, бугунги мутахассис қандай бўлиш кераклигини кўрсатмоқда. Очиғи, МДҲ давлатлари ичида фақат Ўзбекистондагина ўз кадрларига жиддий эътибор берилаётгани, бу йўлда барча қийинчиликлар енгиб ўтилаётганини айтиб ўтишим керак. Айниқса, академияда таҳсил жараёнида кўплаб хорижий давлатларда сафарда бўлиб, ўз билим ва тажрибаларимизни синаб кўрдик. Бу борада ҳам мамлакатимиз моддий маблағнинг юзига қараб қолгани йўқ.

Шундай Ватанда яшаётганинг, изласанг барча ёруғ йўлларнинг очиқлиги бахт эмасми? Мен оддий хонадон фарзандиман. Лекин қалбимдаги ишонч, Ватанимнинг тинчлиги, халқимнинг эртанги кунга нисбатан умиди юксаклиги менга куч-қувват бағишлайди. Мақтанаяпти деманг, лекин шу жамиятга керакли инсон сифатида билим олдим, ўз ўрнимни топишим учун Истиқлол менга тўла имконият яратиб берди. Ҳали 9 йил ичида шундай ютуқларга эришдик. Орадан йиллар ўтгач, янада ўсамиз, яшнаймиз. Бизнинг фарзандларимиз биздан ҳам кучлироқ бўлади. Биздан яхшироқ яшайди. Демак, Ўзбекистон янада куч-қувватга тўлиб бораверади. Менинг ҳаётимнинг нурли лаҳзалари шу кунларда эришган билимим, дунё кўрганим, энг муҳими, давр сўровларига жавоб бероладиган даражада истиқлол сабоғини олганимдир. Улуғ аждодлар орзу қилган кунларда биз яшаяпмиз. Бу кунлар бизга насиб этди. Менинг назаримда бу кунларнинг ҳар лаҳзаси ҳар бир замондошимиз ҳаётида ҳам унутилмас кунлардир.

■ **Рукн учун масъуллар: Норбобо ШАКАРОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ**

## КОРХОНА МАҲСУЛОТ БЕРА БОШЛАДИ

Франциянинг «Деле-планк» компанияси билан ҳамкорликда Дўстлик туманида барпо этилган йилига 3600 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Эл-Эрк-Нур» қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

—Аҳамиятли томони шундаки, — дейди корхона раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Сунннат Эргашев, — бу ерда 40 та янги ишчи ўрни яратилди.

Қўшма корхона тамғаси билан чиқарилаётган ўсимлик ёғи ўзининг сифати ва мазаси билан бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилаётган шундай маҳсулотлардан ўтса ўтадики, лекин асло қолишмайди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## НИЯТЛАРИ ДУНЁГА ЧИҚИШ

Нишон туман, Толлимаржон шаҳарчасидаги «Малика» болалар боғчасида ташкил топган «Малика чечаклари» дастасининг Соғлом авлод йилига бағишланган концертлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Кичкинтойлар ижросидаги «Соғлом авлод», «Бойчечак», «Набиралар қўшиғи», «Онамга тенг бўлолмас», «Тойчоғим — овунчоғим», «Бувижон» каби қўшиқлар нишонликларга ёд бўлиб кетган. Боғча мудираси Н. Жумаеванинг таъкидлашича, жажжи ижодкорлар ўз дастурлари билан Америка, Германия, Франция каби мамлакатларда ҳам чиқишлар қилиш ниятида эканлар.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

## САМАРҚАНД ЕРИНИНГ САХОВАТИ

Қўҳна ва навқирон шаҳарнинг «Мустақиллик» кўчасида «Самарқанд ерининг саховати» анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо кўргазмаси очилди.

— Самарқанд туманининг 12 та хўжалигидан ҳар куни келтирилиб сотилаётган 50-60 тоннадан зиёд ёз нозу неъматлари шаҳарликларга манзур бўлмоқда. Помидорнинг «Султони», картошканинг «Пикассо», «Романо» нави, Голландиядан келтирилиб маҳаллий шароитга мослаштирилган йирик-йирик бошли рангли карамлар харидорларни севинтирмоқда. Ҳақиқдек товланган анжирлару узумлардан сармаст бўласиз, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Раҳима Ҳакимова. — Ярмарка юз кун — то октябрь ойига қадар давом этади. Маҳсулотларимиз 30-40 фоиз арзон нархларда сотилмоқда.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Она-Ватан манзаралари — Ҳайдаркўл қирғоқлари**



**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## МЕҲНАТИ ШИРИН, ДАРОМАДИ... ШАКАР

**хоразмлик айрим лавлагикорларнинг фикрлари шундай**

Аввал бошда қанд лавлагини «сўкканлар» бўлди. «Меҳнати машаққат экан», дейишди. «Маҳсулоти тупроқ баҳосида экан» дейишди. Буни айтганларнинг аксари хўжалик раҳбарлари. Чунки, ҳам пахта, ҳам шоли йиғими мисли меҳнат фронтига айланган кезда — куз ойларида уларга қўшимча «наряд» беришган — қанд лавлагини ҳам ўз муддатида йиғиштириш, элтиш, топшириш керак...

Аслида қанд лавлаги даромад келтириш борасида на пахтадан, на шолидан қолишмади. Балки юқори бўлди. Бунинг учун эса майдонлар ҳосилдорлигини ошириш, белгиланган миқдорда ҳосилни ола билиш керак. Ана шунда...

Касби дўхтир бўлган, оиласи билан хўжаликда ижара усулида деҳқончилик қилаётган киши билан суҳбатлашиб қолдим, «Ҳар йили пахта экардик. Бир йили бир гектарга қанд лавлаги экдик. 400 центнер ҳосил топширдик. Шакар заводи тўрт қоп шакар берди. Тағин якунида юз эллик минг сўм иш ҳақи чиқди», деди у қувониб.

Қанд лавлагининг мисли даромадли эканлигини Қўшкўпир туманидаги «Дауд» фермер хўжалиги эгаси Худойберган Бобожонов амалда исботлади.

Қанд лавлаги етиштиришдан олдин уни озроқ майдонда синовдан ўтказдим. Кейин Украина ва Молдова Республикаларига бориб, лавлагикорларнинг тажрибалари билан ўртоқлашдим. Кўп нарсалар ўрганиб қайтдим ва ўтган йили ўн гектар майдонга қанд лавлаги экдик. Натижаси ёмон бўлмади, — дейди фермер.

Фермер айтмоқчи ёмон бўлмади — мазкур майдондан якунда 7 миллион 330 минг сўм даромад олинди. Соф фойда 3 миллион 600 минг сўмни ташкил қилди. Хоразм шакар заводи режадан ташқари топширилган лавлаги учун фермерга нақ 3,1 тонна шакар берди!

Бунинг учун... фермер оз азоб чекмади. Эрта баҳордан кузгача дала бошидан кетмади ҳисоби. Лавлагикор қўшни давлатларда ўрганиб қайтган тажрибасига кўра ҳар метрда тўрт-беш тупдан ниҳол қолдирди. Икки марта озиқлантирди . Бегона ўтлардан муттасил тозалаб борди. 15 августдан — мезон кириб, ҳарорат пасайгач ҳосилни саккиз марта суғорди. Натижада ҳар лавлаги 3-4 килограмм тош босадиган бўлди. Йиғимни биринчи октябрдан бошлаб юборди. Бундан олдин лавлагининг йирик япроқларини кесиб, лавлагига соябон ўрнида солиб қўйди. Шундан сўнг ҳам лавлаги қанд тўплашда давом этаркан. Ва хирмон йиғилганда маълум бўлдики, фермер режадаги 200 тонна ўрнига 527 тонна ҳосил топширди. Ёки ҳосилдорлик ҳар гектарга 585,5 центнерни ташкил қилди. РЕКОРД КЎРСАТКИЧ!

Роса ишлаганлар кам бўлмадилар — «Ҳосил» байрамида фермерга «Дамас» енгил машинаси мукофотга берилди. Ҳар бир ишловчининг ойлик маоши ўртача 25 минг сўмдан тўғри келди.

Хоразмда «Дауд» фермер хўжалигининг қанд лавлаги экиш, етиштириш борасидаги тажрибаси кенг тарғиб қилинмоқда. Шундан бу йил кўпгина фермерлар русумга кирган шоли эмас, қанд лавлаги етиштириш ташвишига тушиб қолдилар. Айрим хўжалик раҳбарларининг фикрлари ҳам ижобий томонга ўзгарди.

Бу вақтда. «Дауд» фермер хўжалиги янада кўпроқ майдонларда деҳқончилик қилиш мақсадида. «Тошкент» жамоа хўжалиги фермернинг экин майдонини 25 гектарга кўпайтиришга имкон яратди. Ҳозирда фермер 13 гектар майдонга қанд лавлаги уруғини сифатли, муддатида экиб бўлди. Шакар заводи билан шартнома тузилиб, олдиндан олинган 672 минг сўм бўнакка тажрибакорлар керакли минерал ўғит ва бошқа заруриятларини харид қилишган.

Меҳнатини ширин, даромадини шакар деб билган ва шунга монанд меҳнат қилаётган лавлагикорлар бор экан, дастурхонимиз турли ширинликларга тўла бўлиши шубҳасиз. Бу мустақиллик берган имкон.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ



### ЁЗ МУАММОСИ

Ёзги чўмилиш мавсумида Москва шаҳрида одамларнинг чўкиб кетиш ҳоллари учрамоқда. Ёз бошланганидан буён шаҳардаги чўмилиш ҳавзаларида 117 киши чўкиб ўлди, 28 киши қутқариб қолинди. Мутахассисларнинг билдиришича, фожиа қутқарув хизмати бўлмаган ҳамда шифокорлар навбатчилик қилмаётган ҳавзаларда кўпроқ учрамоқда.



### САФАР ҚОЛДИРИЛДИ

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Буюк Британияга режалаштирилган сафари қолдирилди. Бунга Кемп-Дэвид қароргоҳида АҚШ-Исроил-Фаластин саммитининг ҳали давом этаётгани сабаб бўлди. АҚШ вакиллари Президент Билл Клинтон Японияга кетгунга қадар ушбу музокарада бирор натижага эришиш учун бор имкониятни ишга солмоқда, деди Давлат котибининг ёрдамчиси.

### МАШҚЛАР ЯКУНЛАНДИ

Украинада аввал бошланган "Тинчлик қалқони - 2000" халқаро ҳарбий машқлари ниҳоясига етди. Жорий йилда иккинчи бор ўтказилган мазкур тадбир НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ташкил қилинган эди. Унда иштирок этган 21 мамлакат ҳарбийлари ҳамкорликда тезкор операцияларни бажариш, фуқароларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш каби тадбирларни машқ қилди.



### ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Россия Президенти Владимир Путиннинг Шимолий Кореяга сафари бошланди. У бу ерда КХДР раҳбарлари билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, Корея ярим оролидаги вазиятни юмшатиш ҳамда минтақа хавфсизлиги масалалари юзасидан музокара ўтказади. Ташриф ниҳоясида Россия билан Шимолий Корея ўртасида қўшма декларация ва бир неча битим имзоланиши кутилмоқда.

### ОФАТ АСОРАТЛАРИ

Ўн кунча аввал Филиппинда Кай-Так довули туфайли катта кўчки юз берган эди. Тупроқ остида қолган одамларни қутқариш ишлари ҳамон давом этмоқда. Ҳозиргача қурбонлар сони 196 тага етди. 70 кишининг шахси аниқланмаган. Маҳаллий маъмурият вакилларининг тахминига кўра, тупроқ тагида қолиб кетганлар сони беш юз, ҳатто мингга етиши мумкин. Чунки, қутқарувчилар ҳозиргача кўчки остида қолган қишлоқнинг атиги бешдан бир қисмини тозалай олган.



СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ

# ФАРЗАНДИНГИЗ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНАДИМИ?



Соғлом авлодни тарбиялашнинг тамойиллари ва омиллари ниҳоятда кўп. Шулардан бири ва назаримизда энг муҳими, овқатланиш ҳисобланади. Овқатланишда, аниқроғи, уни тўғри ташкил қилишда, овқат калориясида, таркиби ва сифатида ҳамда меъёрида гап кўп. Кучли овқатлар юқори меҳнат самараси эканлигини барча замонларда одамлар билган. Ҳатто, овқат ейишига қараб қилажак ишига ҳам баҳо берилган. Баъзан ташқи қиёфаси ва гап сўзига қараб «нима, овқат емаганмисан» деган ибора ҳам ярим ҳазил, ярим чин тарзида ишлатилади. Бунақа мисоллар кўп. Нима бўлганда ҳам бу гапларда ўзига хос илмий асослар яширинганлигини тан олиш керак.

Маълумки, овқатланиш бутун тирик жонзотга хос бўлиб, унинг замирида организмда узлуксиз моддалар ва энергия алмашинуви кечиб туради. Бу эса тирикликнинг асосий қонуниятларидан бири ҳисобланади. Моддалар ва энергия алмашинуви бор экан, ўсиш, ривожланиш ва улғайиш бўлади. Бу жараёнларнинг меъёрий кечиши ҳеч шубҳасиз озиқ моддалар ассимиляцияси билан боғлиқ.

Маълумки, бола организмида моддалар алмашинуви катталарга нисбатан жадал кечади. Ассимиляция жараёнлари диссимиляцияга нисбатан устун кечади. Улар ўз тана массасига нисбатан олганда катталардан кўп овқат ейди ва кўп сув ичади. Кўп энергия ҳам йўқотади. Тезда қорни очиб қолади ва тезда тўйиниб ҳам қолади. Шу билан бирга бола тез чарчайди ва тезда ўзига келади. Қолаверса, касалликларни ҳам катталарга нисбатан кўпроқ кўтаради ва тезроқ халос бўлади.

Булар барчаси бола вужудида физиологик жараёнларнинг изчил кечаётганидан далолат деса бўлади. Зеро, унда ҳужайралар кўпаймоқда, улар дифференциялашмоқда, тўқималар ва органлар ўсмоқда, гармонлар ишлаб чиқарилмоқда ва таъсирини ўтказмоқда. Ҳаётнинг асоси бўлган оқсиллар биосинтези кечмоқда. Шулар ҳисобига бўй ўсмоқда. Ақлий ва жисмоний етилиб бормоқда. Агар бола организми етарли зарур озиқ моддаларни қабул қилмас экан, ёхуд улар меъёрида тушиб турмас экан, бу табиий жараёнларнинг изчил амалга ошиши бузилади. Маълумки, озиқ моддаларни карбонсувлар (углеводлар), оқсиллар, ёғлар, витаминлар ва минерал моддалар ташкил қилади. Бу моддалар организмда иккита асосий физиологик функцияни — энергетик ва пластик функцияларни амалга оширади.

Хўш, организмнинг, хусусан, ўсмирларда бу озиқларга эҳтиёжи қандай ва уларнинг меъёри тахминан қандай бўлиши керак?

| Болаларнинг ёши | Озиқ моддалар (г) | | |
|---|---|---|---|
| | оқсиллар | углеводлар | ёғлар |
| 7-9 | 70-90 | 270-300 | 65-70 |
| 10-12 | 90-100 | 320-350 | 75-90 |
| 13-15 | 105-110 | 350-400 | 85-95 |
| 15-18 | 115-120 | 400-420 | 100-105 |

Бу рақамлар янгилик эмас, албатта. Ўша олдиндан маълум бўлган ва физиологик меъёр сифатида қараб келинган нисбий рақамлар. Лекин ҳар ҳолда маълум илмий асосга эга бўлган ва ўсаётган организм учун бениҳоя зарур моддалар деб эътироф этиш керак.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ўз вақтида қабул қилган «Соғлом авлод» давлат дастурида болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилган. Уларни оммавий тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирлари белгиланган ва бу ишлар ўзининг ижобий самарасини беради. Шу билан бирга уларнинг мактабларда ва бошқа ўқув даргоҳларида овқатланишининг, дам олишининг ва бошқа масалаларнинг устида жиддий муқобил режалар ишлаб чиқиш керак шекилли. Зеро, соғлом авлод — буюк келажакдир!

■ **Оқил КУБАЕВ,**
**биология фанлари номзоди, доцент**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ХОРАЗМЛИК МАХАРАДЗЕ

Спорт ишқибозларининг ўз даҳолари бўлади. Кўпинча севимли спортчи ёки спорт шарҳловчиси шундай бахтга мушарраф бўлади. Собиқ шўро даврида гуржи футбол шарҳловчиси Кота Махарадзени билмаган ишқибознинг ўзи йўқ эди. Махарадзе шуниси билан қадр топдики, машҳур юртдошларининг қизиқарли ўйинларини шарҳларкан, ўз лаҳжасида, алоҳида иштиёқ, ватанпарварлик руҳи билан берилиб сўзларди...

Юртимизда машҳур шарҳловчи Ахбор Имомхўжаевнинг овозини танимайдиган спорт ишқибози бўлмаса керак. Шу боиским, касб фидойилари бўлмиш бу одамлар машҳурдирлар.

Хоразмлик спорт ишқибозларига Баҳодир Бекчонов шу қадар қадрлики, мана ўн йиллларки, у вилоят телевидение ва радиосида вилоят футбол жамоаларининг ўйинларини маҳорат билан шарҳлаб келмоқда. У кишининг гапириш услуби бор. Бу услуб шошилиб қолган лаҳзаларда ширин шева билан қоришиб янада жонлилик бахш этади. Бундан ташқари машҳур шарҳловчи спортнинг деярли барча турлари бўйича воҳада ўтказиладиган турнир-мусобақаларни ҳам шарҳлайди. Айниқса, миллий кураш мусобақаси кетаётган бўлса... Чунки Бекчонов аслида полвон. Ёшлигидан таниқли полвонларнинг фотиҳасини олган, қатор мусобақаларда ғолиб чиққан. 1974 йилда Тошкентда бўлиб ўтган самбо бўйича республика чемпионатида оғир жароҳат олади. Аммо кураш майдонини ташлаб кетмайди ва таниқли рақибини енгади, «спорт устаси» даражасини олади.

Баҳодир ака чин маънода воҳа полвонларининг устасига айланган. Неча марта шогирдлари турли мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишган. 1990 йилда миллий кураш бўйича республика фестивалига воҳалик полвонларни тайёрлаш жараёнида мураббий-полвон жароҳат олди, аммо мусобақага қўлтиқтаёқда бўлса-да борди. Устозларининг қўлтиқтаёқда туриб курашларини кузатаётганидан руҳланган шогирдлари фестивалда жамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди...

Мамлакатимиздаги таниқли ҳакамлардан ҳисобланган полвоннинг иккинчи касби — шарҳловчилик дедик. Вилоят газеталарининг ҳар сонида у кишининг турли мусобақалар ҳақидаги каттакичик ҳисоботлари мунтазам босилиб туради. Мустақилликдан сўнг Бекчоновнинг ташаббуси билан вилоят оммавий ахборот воситаларида йилнинг энг кучли спортчиси, мураббийси, ҳаками ва спорт журналистини аниқлаш йўлга қўйилди.

... Тўрт-беш тенгқурлар телевизор кўриб, суҳбатлашиб ўтиргандик. Спорт кўрсатуви бошланди. Шарҳловчи ҳаяжон билан репортажини бошлаганича йўқ эди, хонадон эгасининг кекса отаси эшикдан бош суқдилар: «Бекчоновнинг овозини эшитдим, спорт бошланди шекилли. Йигитлар узр, суҳбатингизга халақит бераман, биз кекса ишқибоз одам...

Ишқибозлардан фалон киши қачон вилоятга раҳбар бўлди, деб сўрасангиз, елка қисиши мумкин, лекин Баҳодир Бекчоновнинг қачон, қайси ўйинни қандай шарҳлаганини бехато айтишади.

■ **Ҳасан РЎЗИМБОЕВ**

# «ОМОНХОНА» СУВИ — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Бойсун туманининг ўркач-ўркач тоғлари бағридан минг йиллардирки шифобахш булоқ суви сизиб чиқади. Ривоятларга қараганда ундан бир пайтлар соҳибқирон Амир Темур қўшинлари чанқоқ қондириб қувват олишган экан. Шунданми, бу маскан «Омонхона» деб юритилади. Унинг суви жигар, сариқ касаллиги ҳамда ичак, қанд ва туз, шунингдек, жигар билан боғлиқ бошқа барча хасталикларга шифо бахш этади. Ҳозир бу ерга республикамиз аҳолисидан ташқари қўшни мамлакатлардан шифо истаб келувчилар сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Сурхондарё вилоят ва Бойсун туман ҳокимликларининг саъй-ҳаракати туфайли «Омонхона»да ҳашар йўли билан 25 ўринга мўлжалланган замонавий оромгоҳ бунёд этилди. Тоғда ўзига хос шаҳарча пайдо бўлди. Атроф водийга айланди. Ҳозир масканда душ ва ванналар мунтазам ишлаб турибди. Йўлланма билан келувчилар ўн кун давомида даволанишади. Ошхона, чойхона, меҳмонхона, бозорча меҳмонлар ихтиёрида. Мавсумда 25-30 минг киши кунлик амбулатория шароитида ҳам ўз соғлиқларини тикламоқда.

— Жамоамизда 35 киши меҳнат қилади, — дейди бош шифокор Нусрат Худойқулов. — Масканимизга қизиқувчилар кўп. Шу боис, яқин йилларда 100 ўринга мўлжалланган санаторий мажмуасини бунёд этмоқчимиз.

Яна бир янгилик. Яқинда бу ерда франциялик ҳамкорлар билан 130 минг АҚШ доллари эвазига кунига 10 минг дона 1,5 литрли елим идишларда «Омонхона» сувини қадоқлаш ҳам йўлга қўйилди.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Изоҳи сиздан, азиз газетхон



Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

ФУТБОЛ

# ЖУРНАЛИСТЛАР МАЙДОНДА

«Ўзбекистон футболи» ва «Спорт» газеталари ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган журналистлар ўртасидаги анъанавий минифутбол мусобақаси қизғин паллага кирди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг футбол жамоаси ҳам ўзининг кутилмаган ўйинлари билан анча-мунча мухлис тўплади. Энг ёш ва янги жамоа деб эътироф этилган «Ўзбекистон овози»нинг анча тажрибали «TV STAR» (телевидение) жамоасига кескин қаршилиги мухлислар сонини янада оширган бўлса ажаб эмас. Турнир кенжатойининг бу мардоналигини ташкилотчилар ҳам қарсаклар билан олқишлашди. «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталарининг бош муҳаррири Ҳайдар Акбаров эса ўз муносабатини бу янги жамоанинг қўлларини сиқиб, «Зўр!» дейиш билан билдириб қўйди.



**Суратда: *«Ўзбекистон овози» ва «TV STAR» ўйинидан лавҳа.***

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали

Сиз азизларни 2000 йил 2 август куни соат 10⁰⁰ да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.

**САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:**

1. Чирчиқ шаҳрида жойлашган «УзКТЖМ» заводига қарашли ТДТП-«25000/220» трансформатори, **бошланғич нархи — 5000000 сўм.**
2. Пскент туманида жойлашган «Туркистон» жамоа хўжалигига қарашли «ТАРЗ-5220», **бошланғич нархи — 1410000 сўм.**
3. Бўка туманида жойлашган «Б. Умаров» жамоа хўжалигига қарашли «УАЗ-31512-01», **бошланғич нархи — 300000 сўм.**

*Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам шу савдода сотилиши мумкин.*

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ**

**«Интер Карго Сервис» қўшма корхонаси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Тошкент аэропортидаги юк ташиш бўйича бош агенти, барча турдаги ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш, ишлов бериш ва мунтазам йўловчилар ташиш ва чартер йўналишларида МДҲ ва узоқ олис мамлакатларга жўнатиш бўйича хизматларини таклиф этади.**



**Сизнинг хизматингизга:**

- ✓ ҳаво парвозлари талабларига жавоб берадиган шартларда турли хил юкларни етказиб бериш;
- ✓ хилма-хил йўналишлар;
- ✓ халқаро талаблар даражасидаги хизматлар;
- ✓ юклар сақланишининг кафолати;
- ✓ замонавий юк терминали;
- ✓ умумий майдони 3000 кв.м.дан зиёд омборхоналар;
- ✓ юқори малакали мутахассислар;
- ✓ ҳаво йўллари бўйлаб юк ташиш бўйича турли маслаҳатлар;
- ✓ юкларни топшириш ва қабул қилиб олиш бўйича ёрдам кўрсатиш.

**Мижозлар диққатига! 2000 йил 14 июлдан 15 октябргача** мавсумий чегирмалар жорий этилиб, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларни етказиб бериш қуйидаги йўналишлар бўйича **25** фоизга арзонлаштирилди:

**Москва, Новосибирск, Самара, Челябинск, Красноярск.**

INTER CARGO SERVICE
ҚЎШМА КОРХОНАСИ СОВМЕСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

**САМОДАГИ ЮКЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТ ЮКИ**

Тошкентдаги телефонлар:50-40-03,55-12-68, «Тошкент» аэропортидаги ички телефонлар:13-58,13-21,13-22.

3097



**БОШ МУҲАРРИР**
Азим СУЮН

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI O'ZBEKISTON
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Бобомурод Раймов*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 602

*Топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди —* 24.40
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА